


VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2019 йилнинг январь-декабрь ойларида, вилоятнинг чакана савдо товар айланмаси 13767,2 млрд.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 % га ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 1486,1 млрд.сўмни (ўсиш суръати 121,5 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 12281,1 млрд.сўмни (ўсиш суръати 105,8 %) ни ташкил этди.

**Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми
(млрд. сўм)**



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Самарқанд шаҳри 28,5 %, Ургут тумани 12,7 %, Пастдарғом тумани 7,5 %, Каттақўрғон шаҳри 5,8 %, Булунғур тумани 5,5 %, Самарқанд тумани 5,6 %, Иштихон тумани 4,2 %, Каттақўрғон тумани 4,2 % ва Пайариқ тумани 3,8 % чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.


**Чакана савдо товар айланмасида
туманларнинг улуши, (%)**



2019 йил январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 3586,6 минг сўмни ташкил қилиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 % га кўпайди. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2019 йил январь-декабрь ойларида 2018 йилнинг шу даврига нисбатан вилоятнинг айрим ҳудудларида ўсиш кўрсаткичларини ташкил этиб, энг юкори кўрсаткичлар Самарқанд шаҳри (7225,1 минг.сўм), Каттақўрғон шаҳри (8954,8 минг.сўм) ва Булунгур тумани (4119,2 минг.сўм) ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар номи	минг.сўмда	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да.
Самарқанд вилояти	3586,6	105,1
Самарқанд ш.	7225,1	106,3
Каттақўрғон ш.	8954,8	105,8
<i>туманлар:</i>		
Булунғур	4119,2	104,4
Жомбой	2338,1	105,2
Иштихон	2320,3	104,7
Каттақўрғон	2158,7	104,6
Нарпай	2325,1	105,1
Нуробод	3591,9	104,4
Оқдарё	1933,8	104,0
Пайарик	2102,3	104,7
Пастдарғом	2962,9	105,1
Пахтачи	3426,4	104,5
Самарқанд	3083,9	105,4
Ургут	3485,1	104,3
Тайлоқ	1977,2	104,2
Қўшработ	3524,8	104,2

2018 йилнинг шу даврига нисбатан вилоятнинг барча худудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳрларида, Жомбой, Самарқанд ва Пастдарғом туманларида қайд этилди.




Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 21,5 % га ўсди ва 1486,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 10,8 % улушига тўғри келди.


Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 12281,1 млрд.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 5,8 % га ўсди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 89,2 % га тенг келмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (%)

2018 йил январь-декабрь



2019 йил январь-декабрь



■ Йирик корхоналар
■ Кичик тадбиркорлик


**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича
чакана товар айланмаси**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>2018 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Яқунга нисбатан, да</i> %
Жами	13767,2	107,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
давлат мулки	22,4	59,7	0,02
нодавлат мулки	13764,8	107,1	99,98

2019 йил январь-декабр ойларида чакана савдо айланмаси таркиби

	<i>млрд.сўм</i>	<i>2018 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Яқунга нисбатан, % да</i>
Чакана товар айланмаси	13767,2	107,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	1486,1	121,5	10,8
Кичик тадбиркорлик	10502,8	108,2	76,3
Уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	1778,3	93,4	12,9

**Чакана савдо таркибининг улуши
(фоиз ҳисобида)**



- Савдо корхоналари
- Кичик тадбиркорлик
- Уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 304,9 млрд. сўмни ёки 2018 йил январь-декабрга нисбатан 109,9 фоизни ташкил этди.